



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ДИПЛОМ ВА ЛЕЙТЕНАНТ ҲАРБИЙ УНВОНИ ТАНТАНАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида битирувчи курсантларга лейтенант ҳарбий унвонини бериш ва диплом топшириш тантанали тадбири ўтказилди.



Ушбу тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев ҳамда Академия бошлиғи генерал-полковник Қобул Бердиев сўзга чиқиб, ўз нутқларида

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ҳамда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлари юртимизда олий маълумотли мутахассис кадрларни ҳар томонла-

ма етук, масъулият ва бурчини чуқур ҳис қиладиган ҳамда ўз касбини севиб ардоқлайдиган, фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча имкониятларни яратиб бераётганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, мухтарам Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 60-сонли фармонида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш бўйича 8 та устувор йўналиш белгиланганлигини эътироф этдилар.

Бу йилги ўқув йилида 161 нафар битирувчилардан 5 нафари имтиёзли дипломга битирдилар. Битирувчиларга генераллар томонидан лейтенант ҳарбий унвонини бериш ва диплом тантанали равишда топширилиши ёш офицерлар учун катта ишонч ва фахр-ифтихор десак, муболага бўлмади.

Академия оркестри ижросидаги Ватанини мадҳ этувчи куй-қўшиқларга уланиб кетган тантана давомида сўзга чиққан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, тақлиф этилган меҳмонлар ҳам ўзларининг ҳис-ҳаяжон-



га тўла тилаklarини изҳор этиб, ёш офицерларни самимий муборакбод этишди.

– Бугун биз, ёш офицерларнинг қувончимиз чексиз, – дейди битирувчи лейтенант Акбар Хурсанов. – Қутқарувчиликдек шарафли касбни эгаллаб, етук кадрлар бўлиб етишганимиздан ва она-Ватанимиз равнақи-га ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан чексиз фахрдамиз. Шу ўринда, ота-оналаримизга, таълим-тарбия берган устозларимизга самимий миннатдорлигимизни билдирамиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан яратиб берилётган кенг имконият ва қулай шарт-шароитларга жавобан, хизмат фаолиятимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз, деб ваъда берамиз.

– Бугун иккинчи фарзандим Жалолидин офицерлик унвонини олиб, мустақил ҳаётга йўл олаётганидан бошим кўкка етди, – дейди подполковник Бахшилло Жаҳонқулов. – Шу соҳада меҳнат қилаётганлигим учун оиламизда вояга етган фарзандлар қалбида ҳам ушбу касбга нисбатан ажиб бир меҳр шаклланган. Ишонманки, фарзандларим жонажон Ватанимиз ҳамда халқимиз хизматида бўлиб, ушбу даргоҳда олган назарий билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаб, мустақил юрт осойишталигини таъминлашга бор куч ва шижоатларини сафарбар этадилар.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси
катта ўқитувчиси, майор.





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Тошкент шаҳар Фавқулдада вазиятлар бошқармасида «Коррупция ва унинг салбий оқибатлари» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда бошқарма бошлиғи ўринбосарлари – подполковниклар А.Аҳмедов, С.Мағдиходжаев ҳамда ФВВ Марказий аппарати шахсий хавфсизлик бошқармаси масъул ходими подполковник Б.Мансуров, Тошкент шаҳар ФВВ шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи подполковник Ш.Эсонов, бошқарма тизими раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этдилар.



Тадбирда подполковниклар Б.Мансуров, Ш.Эсоновлар томонидан коррупция ва унинг хатарли оқибатлари хусусида сўз юритилиб, ходимларга мансаб ва мавқеидан фойдаланган ҳолда коррупцион ҳолатларга тушиб қолмаслик, ўз хизмат бурчини ҳар доим ҳалол, сидқидилдан адо этиш лозимлиги яна бир карра уқтириб ўтилди.

Ўз навбатида, амалдаги қонунчилик асосида хизмат олиб бориш, аҳоли ва кенг жамоатчилик билан мулоқотда қонунчилик ва муомала маданиятига қатъий амал қилиш юзасидан зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

А.РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар ФВВ ЖТваОАВБХ
гурӯҳи бошлиғи, капитан.

Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi, O'zbekiston harbiy prokuraturasi bo'lim harbiy prokurori adliya podpolkovnigi O.Yo'lbarsov va bo'lim harbiy prokurori, adliya mayori S.Choriyev ishtirokida "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" hamda "Korrupsiyasiz soha" mavzularida davra suhbatini tashkil etildi.

HUQUQ VA BARCH

Tadбир davomida harbiy xizmatchilar tomonidan sodir etilayotgan jinoyatlar tahlili va ularning oqibatlari xususida ma'lumotlar yetkazildi. Shuningdek, harbiy xizmatchilarni qiy-nab kelayotgan masalalar yuzasidan huquqiy maslahatlar berildi.

SH.AHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi
boshlig'i, kapitan.



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ТЕМУРБЕК АВЛОДЛАРИ!

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур хиёбони Амир Темур ҳайкали пойида ФВВ Шаҳрисабз "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейининг 98 нафар битирувчисига тантанали диплом топшириш маросими ўтказилди.



Тантанали тадбир ҳарбий оркестр "Қаршилов марши"ни ижро этди ва сафга байроқни олиб кириш билан бошланди. Ташриф буюрган меҳмонлар майдонга ҳарбий оркестр садолари кузатувида Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар ва эҳтиром билдирдилар.

Тадбирда Фавқулдада вазиятлар вазири ўринбосари полковник Х.Алибоев, Наманган вилояти ФВВ бошлиғи генерал-майор Қ.Аҳмедов, ФВВ Академияси масъул офицерлари, Қашқадарё вилояти ФВВ бошлиғи полковник Ф.Мирзаев, вилоят ФВВ фахрийлари, Шаҳрисабз шаҳар ҳоқими

А.Сулаймонов ҳамда вилоят МГ ва ДХХ масъул ходимлари иштирок этишди.

98 нафар битирувчи ўқувчига (18 нафари имтиёзли диплом) дипломлар вазири ўринбосари ва меҳмонлар томонидан тантанали равишда топширилди. Битирувчиларга полковник Х.Алибоев, генерал-майор Қ.Аҳмедов, шаҳар ҳоқими А.Сулаймонов, ота-оналар номидан Юлдуз Аллаева, математика фани ўқитувчиси Баҳриддин Умиров, битирувчилар номидан ўқувчи Жонмуҳаммад Аҳ-

товлар тилаклар билдириб, уларнинг келгусидаги ўқиш ва ишларида улкан зафар ҳамда омадлар тиладилар.

Шундан сўнг тадбирнинг бадиий қисмига навбат берилди. Унда маданият ва санъат вакиллари ҳамда ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий дастурлар, жумладан, Амир Темур насихатлари, қўл жанги, Андижон полкаси, "Қорақалпоқча" ва "Лағзи" рақслари йиғилганларни хушнуд этди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи Қуролли Кучларимизга маънан-ахлоқан етуқ, интеллектуал ва ижодий салоҳияти ривожланган, мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини чин юракдан ҳимоя қила оладиган, Ўзбекистон Республикасига содиқ, фидойи, ҳарбий ватанпарвар офицерлар ва генералларни тайёрлаш маскани бўлиб қолади.

Ж.ҚОСИМОВ,
Ҳарбий-академик лицей
директорининг биринчи
ўринбосари,
подполковник.



SEMINAR-TRENING

FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti xodimlari tomonidan O'zbekiston ko'zi ojizlar jamiyatining Toshkent shahri va Toshkent viloyati bo'limlarida o'quv-uslubiy qo'llanmalarni aholiga yetkazish maqsadida amaliy seminar-trening o'tkazildi.

Tadбир rejasiga ko'ra, Ko'zi ojizlar jamiyatida Fuqaro muhofazasi instituti xodimlari tomonidan ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohasida band bo'lmagan aholi, shuningdek, jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslarni zilzilada harakatlanishga tayyorlash, mavjud muammolar va ular-



ni hal etish yo'llari to'g'risida ma'ruzalar qilindi.

Seminar-trening yakunida ishtirokchilarga brayl alifbosida ishlab chiqilgan uslubiy qo'llanmalar tarqatildi.

FVV Matbuot xizmati.

FVV XODIMI – JAHON KUBOGI SOVRINDORI

Isroil davlatida sportning “Jiu jitsu” turi bo'yicha professionallar o'rtasida bo'lib o'tgan Jahon chempionati kubogida O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi xodimi – Qashqadaryo viloyati FVB harbiy xizmatchisi kichik serjant Jo'rabek Qobilov 94 kg. vaznda kurash olib bordi.



Mazkur nufuzli xalqaro musobaqada 3-o'rinni qo'lga kiritib, bronza medali sovrindori bo'lgan hamkasbimizni ushbu muvaffaqiyat bilan qizg'in muborakbod etamiz. Kelgusida tashkil etiladigan musobaqalarda ham omad va zafarlar tilab qolamiz.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Бухоро вилоятида болалар дам олиш оромгоҳларида ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ишчи гуруҳи ходимлари ва мутасадди хизматлар билан биргаликда оромгоҳларнинг ёнғинга қарши ҳолати, зарур воситалар билан таъминланганлиги ўрганилмоқда.



Ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни жойида бартараф қилиш чоралари кўрилиб, ишчи-ходимларга мутахассислар томонидан тавсия ҳамда кўрсатмалар берилмоқда.

С.МУРТАЗОЕВ,
Бухоро вилояти ФВБ РМҚУ инспектори, капитан.

ОГОҲЛИК

Мазкур тадбирлар давомида июнь ойининг бошидан буён Сирдарё вилояти ҳудудидаги бозорларда 18 мартаба назорат-профилактика тадбирлари олиб борилиб, аниқланган 427 та турдаги камчилик ва қоида бузилиш ҳолатларининг 314 таси жойида бартараф этилди.

Аниқланган камчиликлар ва қоида бузилиш ҳолатлари бўйича дўкон эгалари ва сотувчиларга тушунтиришлар берилиб, ёнғин-қутқарув автомобилларининг ҳаракатлашига халақит берадиган сунъий тўсиқлар олиб ташланмоқда.

Гулистон шаҳар ҳоқими, вилоят ФВБ бошлиғи, сектор раҳбарлари ва дахлдор идоралар ходимлари томонидан шаҳар ҳудудидаги бозорлар, одамлар кўп йиғиладиган савдо марказларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича назорат-профилактика тадбирлари олиб борилиб, хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда.



Шерзод АБДУЛЛАЖОНОВ, Сирдарё вилояти ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.
Убайдулла АБДИЖАЛИЛОВ, бўлим бошлиғи, майор.

Dehqonobod tumani maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi tasarrufidagi MTIlarda "Jazirama havodan qanday himoyalaniшни bilasizmi?" mavzusida targ'ibot-tashviqot ishlari, davra suhbatlari tashkil etilmoqda.

ISSIQDAN SAQLANING!

Tadbirlar davomida, eng avvalo, ko'chaga chiqayotganda ochiq rangli tabiiy matolardan tikilgan yengil libos kiyish, issiqdan saqlaydigan bosh-kiyim, ko'zoynak va soyabonlardan foydalanish maqsadga muvofiqligi borasida tushuntirishlar berilmoqda.

Qolaversa, yog'li, dudlangan taomlarni iste'mol qilmaslik, yaroqlilik muddati o'tgan oziq-ovqat mahsulotlarini iste'mol qilish oqibatida ovqatdan zaharlanish holati yuzaga kelishi mumkinligi, tanada suv me'yorini saqlab turish uchun kuniga o'rtacha 2-3 litr suyuqlik ichish lozimligi aytilib o'tilib, eslatma va bukletlar tarqatilmoqda.

O'tkirbek YULDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, mayor.

Сирдарё вилояти ҳоқими Акмалжон Маҳмудалиев, вилоят ФВБ раҳбарияти ҳамда қатор дахлдор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида “Қолгансир” давлат ўрмон хўжалигида ёнғинлар ва бошқа турдаги фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш борасида профилактика ишлари амалга оширилди.

ЎРМОНЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

4016 га бўлган мазкур хўжаликда 49 нафар ишчи-хизматчи фаолият олиб бормоқда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ўрмон ҳудуди 3 дона мотопомпа, 20 дона мато билан ёнғин ўчиргичлар

йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қўшимча тадбирларни амалиётга татбиқ этиш, янги экилаётган ниҳолларни парваришлаш бўйича бажарилаётган ишлар ва қилиниши лозим бўл-



ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган.

Йиғилиш давомида вилоятдаги ўрмон хўжаликларининг ҳозирги ҳолати, ўрмон ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги талабларига қай даражада риоя қилинганлиги, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида

ган вазифалар юзасидан масъулларга қўшимча топшириқлар берилди.

Азизхон МАВЛОНХОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ бўлим катта офицери,
капитан.

Д.СУЛАЙМОНОВ,
ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.

ҚОИДАЛАРНИ УНУТМАНГ!



Шунингдек, мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли ДМТТлар, мактабларда, педагогика ва тиббиёт коллежлари ишчи-хизматчилари, талабалари ҳамда маҳаллардаги кўп қаватли уйларда аҳоли ўртасида фавқулдда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича семинар ва учрашувлар олиб борилиб, амалий ҳаракатлар кўрсатилмоқда.

Жамол АЛИМОВ,
Хива шаҳар ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

ПРОФИЛАКТИКА

Шаҳрихон тумани ФВ бўлими вакиллари “Илғор сантех қурилиш” МЧЖ томонидан “Соҳиобод” МФЙ ҳудудидаги 46-умумтаълим мактабида қўшимча ўқув биноси қурилишида меҳнат қилаётган қурувчилар иштирокида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунтириш ва тарғибот тадбирларини амалга оширишди.

Профилактик тадбирлар давомида қурувчилар билан лойиҳа ҳужжатлари яна бир бор қўриб чиқилиб, бош режага киритилган хавфсизлик ҳамда ёнғин хавфсизлиги талаблари, уларга риоя этилиш ҳолати кўздан кечирилди.

О.РАҲМАТОВ,
Шаҳрихон тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, капитан.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Учкудук шаҳрида ёнғин-қутқарув амалий спорти бўйича ШКБ ОЁХТТЭБ биринчилиги бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда бўлим тасарруфидаги 6-, 7-, 8-, 9-ЁҚҚларнинг терма жамоалари иш-ғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш,

100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва ёнғин ўчириш эстафетаси ҳамда ёнғин-қутқарув автомобили орқали жанговар ёйилиш турлари бўйича ғолиблик

учун кураш олиб бордилар.

Қизғин ва мурасиз кечган мусобақа натижаларига кўра, 1-ўринни 8-ёнғин-қутқарув қисми, 2-ўринни 6-ёнғин-қутқарув қисми, 3-ўринни 9-ёнғин-қутқарув қисми терма жамоалари эгалладилар.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Аваз ОРТИҚОВ,
Шимолий кон бошқармаси ОЁХТТЭБ бошлиғи, подполковник.



ZAVODDA O'QUV

Kitob tumani FV bo'limi harbiy xizmatchilari hamda xizmatchilari tomonidan "QARSHI CONCH SMENT" zavodida yong'in va boshqa tusdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida profilaktik tadbirlar amalga oshirildi.



Tadbirlar davomida ishchi-xizmatchilarga nazariy va amaliy korgazmali chiqishlar amalga oshirilib, zilzila va yong'in sodir bo'lganda to'g'ri harakatlanish, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan to'g'ri foydalanish o'rgatildi.

A.ABDURASHIDOV, Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

АМАЛИЙ САБОҚ

Жиззах вилояти ФВБ, тегишли ФВДТ хизматлари ходимлари "Аҳолини zilzilaга тайёрлаш ҳафталиги" доирасида zilzila билан боғлиқ favqulodda vaziyatlarда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича объект ўқув машғулоти ўтказилди.

Мазкур тадбирда қутқарув хизматлари, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг zilzila билан боғлиқ favqulodda vaziyatларни бартараф

этишга тайёргарлигини ошириш, шунингдек, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг ҳушёрлигини ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди.

Тадбир якунида мавзуга оид эслатма ва буклетлар тарқатилди.

Ф.РАҲМОНҚУЛОВ, Жиззах вилояти ФВБ ҲФХҲМ бошлиғи, подполковник.

Б.ҚОБИЛОВ,
Ҳ.КАРИМОВ, марказ ўқитувчилари.



AEROPORTDA MASHQ

Urganch xalqaro aeroportida viloyat FVB ma'sul xodimlari tomonidan favqulodda vaziyatlar va yong'inlarning oldini olish bo'yicha obyekt rahbari hamda ishchi-xodimlar bilan uchrashuvlar o'tkazilmoqda.

Tadbirlar davomida anomal issiq havoda

xavfsizlik talablari va yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish, favqulodda vaziyatlar va yong'inlar sodir bo'lganda to'g'ri harakatlanish, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan to'g'ri foydalanish bo'yicha amaliy mashg'ulotlar tashkil etildi.

Bu boradagi ishlar davom ettirilmoqda.

S.ISKANDAROV, Xorazm viloyati FVB bo'lim boshlig'i, kapitan.

I.MATYAKUBOV, bo'lim inspektori, katta leytenant.



МАШҒУЛОТ

Тадбирда ўрмон ёнғинлари ва уларнинг профилактикаси, содир бўлганда оқибатларини бартараф қилиш юзасидан маълумотлар берилди.

Ф.ШАЙМАРДАНОВ, Сурхондарё вилояти ФВБ ЖТ ва ОАВБХҚГ бошлиғи.

Бойсун тумани ФВ бўлими, давлат ўрмон хўжалиги, туман ички ишлар бўлими, Миллий гвардия бўлинмаси, тез тиббий ёрдам, Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази билан ҳамкорликда "Ўрмон ёнғинларининг олдини олиш ва бартараф этиш" мавзусида ўқув-амалий машғулоти ўтказилди.



ҚОИДА БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

Фавқулodда vaziyatлар vazirлиги ишчи гуруҳи, вилоят ФВБ бошлиғи ҳамда дахлдор ташкилотлар ходимлари томонидан Боёвут туманидаги ёнғин хавфи юқори бўлган объектларда назорат-рейд тadbirlari олиб борилди.



Ўрганишлар давомида ёнғинларнинг олдини олиш ва содир бўлганда бартараф этиш тadbirlariga алоҳида эътибор қаратилиши билан биргаликда, йўл қўйилган 8 та турдаги 32 та кўпол қоидабузарлик жойида бартараф этилди.

Шунингдек, масканларда хизмат олиб бораётган ишчи-хизматчилар иштирокида амалий-ўқув машғулоти ўтказилди.

Шерзод АБДУЛЛАЖОНОВ, Сирдарё вилояти ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ, ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

Давлатобод туманидаги "Мустақиллик" МФЙ ҳудудида zilzila содир бўлганда ФВДТ ҳудудий қўйи тизимлари бошқарув органлари, куч ва воситаларининг тайёргарлик даражасини текшириш ҳамда ҳамкорликдаги ҳаракатлари бўйича ўқув машқи ўтказилди.

Унда zilzilaда ҳаракатланиш, аҳолини эвакуация қилиш ва жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам курсатиш бўйича амалий билимлар янада мустаҳкамланди.

Анваржон АРИПОВ, Давлатобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

МУСТАҲКАМЛАШ



HUSHYORLIK ZARUR

Qarshi shahridagi "Bitum" MCHJda o'quv-amaliy taktik mashqi bo'lib o'tdi. Unda 14 ta katta va murakkab yong'inlarni o'chirish tayanch maskani maxsus texnikalari hamda 68 nafar yong'in-qutqaruvchi ishtirok etdi. Mashq rejasiga asosan, yong'in-qutqaruvchilar tomonidan maskanda sodir bo'lgan shartli halokatni bartaaraf etish va ishchi-xizmatchilarni xavfsiz hududga olib chiqish harakatlari amaliy tarzda ko'rsatildi.

Mashq yakunidan shartli favqulodda vaziyatlarni bartaaraf etishda yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklar muhokama qilindi. Keyingi mashg'ulot

nuqtasi Qarshi shahridagi baland qavatli uylarda bo'ldi. Viloyat FVB xodimlari tomonidan "Oydin" MFYda joylashgan 7 qavatli aholi turar joylarida



shartli yong'inni bartaaraf etish, insonlarni qutqarish va birinchi yordam ko'rsatish ishlari amalga oshirildi. Shuningdek, Qarshi Neftbazaga qarashli yoqilg'i saqlash omboridagi shartli yong'in haqida xabar berilishi bilan ushbu manzilga Qarshi shahar va Nishon tumanidan 15 ta yong'in-qutqaruv texnikalari jalb qilindi. Qutqaruvchilar tomonidan yong'inni bartaaraf etish, kuch-vositalarni to'g'ri yo'naltirish, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari bajarildi.

Farhod MIRZAYEV, Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i, polkovnik.



Дарҳақиқат, шу ўринда қайд этиш лозимки, қаҳрамонимиз хизмат фаолиятининг илк даврларидан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар кўп қаватли уй эшиклари қулфи бузилиб ичида қолиб кетган фуқароларни қутқариш ишларида, Самарқанд шаҳар Зарафшон темирйул станциясида газ ортилган вагон портлаши оқибатида юзага келган ёнғинни бартараф этишда, автохалокат натижасида автомашина ичида қолиб кетиб, жабранган фуқароларни қутқаришда, Самарқанд тумани Миронқул қишлоғида кучли ёмғир ёғиб, сел келиши оқибатида оқиб кетган 9 нафар фуқарони қидирув-қутқарув ишларида, Самарқанд вилояти Ургут тумани Қоратепа сув омборида чўкиб кетган 3 нафар фуқарони сув остидан излаб топиш ва яна қатор фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этишда жонбозлик намуналарини кўрсатди. Унинг хизмат фаолияти билан боғлиқ яна кўплаб ижобий ва самарали ишларни мамнуният билан эътироф этиш мумкин.

Фахриддин жуда тиришқоқ, ўз устида мунтазам ишлайдиган, ҳамкасблари ва дўстларига ҳамisha ёрдам қўлини чўзадиган фидойи халоскорлардан бири. У давлат ва жамоат ишларида фаол, вазирлик тизимида ўтказиладиган тадбирлар, ўқув машғулотлари, беллашувлар, хусусан, ҳудудий бошқарма ва тузилмалар ўртасида бўлиб ўтадиган республика кўпкураш мусобақасида фаол қатнашади.

Айни пайтда жамоа ўртасида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлган хизматчи Фахриддин Эменов ўз билимдонлиги, касбий ва жисмоний маҳорати билан хизматдошлари, ҳамкасблари, ёш ҳарбий хизматчи ва хизматчиларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Қолаверса, унинг тажрибали қутқарувчи сифатида "Ёш қутқарувчи" клубларининг 85 нафарга яқин аъзосига қутқарувчилик касби, ушбу вазифа давомида қўлланиладиган асбоб-анжомлар, фойдаланиладиган махсус техника воситалари хусусида назарий ва амалий билимлар бериб келаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Халқимизда "Юк кўтарган юзага чиқар", – деган доно нақл бор. Фахриддин Эменовнинг кўп йиллик садоқатли ва фидойи хизматлари давлатимиз раҳбарияти томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Ҳа, ораимизда Фахриддиндек матонатли халоскорлар бор экан, халқимиз ва давлатимиз тақдири ишончли қўлларда десак, муболага қилмаган бўлаимиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,
"Vaziyat" мухбири.

МАШАҚҚАТЛИ ХИЗМАТ САМАРАСИ

"Vaziyat"нинг навбатдаги қаҳрамони Самарқанд вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Махсус вазифаларни бажарувчи минтақавий қутқарув отряди Радиацион, кимёвий тиббий биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳиби Фахриддин Эменов бўлди.



Ф.Эменов 1981 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Янги-авлод МФЙ Гумбаз қишлоғида Мансур Эменов ва Рухия Тошмуродова хонадонидан дунёга келган.

Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида, албатта, у ўсиб улғайган оиладаги муҳит, ота-онасининг тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, айтиш керакки, қаҳрамонимизнинг ота-онаси ўз фарзандларини, нафақат яхши хулқли, одобли қилиб тарбиялаш, балки ўқимишли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишга интилган. Бу эса фарзандлар камолотида ўз самарасини берган.

Фахриддин Эменов 1989 йилда тумандаги 96-умумтаълим мактабига ўқишга қабул қилинди. 1999 йили мактабни аъло баҳолар билан тамомлади ва шу йилнинг ўзида Самарқанд давлат университетининг биология факультети талабалари

сафидан ўрин эгаллади. "Олтин давр" йилларида ҳам устозларидан пухта билим олиш баробарида

ўзининг меҳнатсеварлиги ҳамда тиришқоқлиги билан курсдошларидан ажралиб туришга интилди.

2003 йилда олийгоҳни битириб, ўша йилнинг ноябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилди. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида жойлашган ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтади. 2004 йилда ёруғ юз билан оиласи бағрига қайтган Фахриддин ўзи таҳсил олган мактабда иш фаолиятини бошлади. 4 йил давомида ёш авлодни тарбиялаш, уларни жамиятга керакли, етук кадрлар этиб вояга етказиш йўлида машаққатли, ўз ўрнида, шарафли касбда ишлади. 2008 йилда Самарқанд вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Авария-қутқарув отряди Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) гуруҳи кимё-дегазатори лавозимида хизмат вазифасини бажаришга киришди. Фахриддин Эменов ана шу йили вилоят ҳудудидан жами 27 мартаба аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этди.



TUSHUNTIRISH ISHLARI

Olmazor tumani FV bo'limi xodimi kapitan S.Anorov tomonidan O'zbekiston Respublikasi IIV huzuridagi JIED Birinchi mintaqaviy hudud 43-son manzil koloniyasida jazo muddatini o'tayotgan shaxslarga is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi va yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik xususida ma'lumotlar berildi.



Shuningdek, zilzila, sel kelishi, qor ko'chishi, kuchli shamol esishi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, sodir bo'lgan favqulodda vaziyat oqibatlarini bartaraf etish to'g'risida tushuntirish ishlari amalga oshirildi. Tadbir qatnashchilarini qiziqtirgan savollarga javob berildi.

Muzaffar MURODOV,
Olmazor tumani FV bo'limi inspektori, katta leytenant.

Xorazm viloyati FVB tomonidan Urganch, Xiva shaharlari hamda Hazoras tumanidagi bozorlarda, savdo majmualarida navbatdagi o'rganish va profilaktik-targ'ibot tadbirlari olib borildi.

SHAYLIK QAY DARAJADA?

Xiva shahar markaziy dehqon bozorida issiq ob-havo sharoitida tez ayniydigan mahsulotlar, ayniqsa, uy sharoitida tayyorlanadigan salatlar, sut-qatiq, tuxum, konserva va go'sht mahsulotlarining yaroqliligi va saqlanish sharoitlari alohida ko'zdan kechirildi. Oziq-ovqat mahsulotlari sanitariya-gigiyena



qoidalariga amal qilmasdan sotilayotganligi kishi dilini xira qiladi. Mazkur holat yuzasidan tegishli tashkilotlar jalb qilinib, sotuvchilar bilan tushuntirish ishlari olib borildi va bozor ma'muriyatiga taqdimnomalar kiritildi.

Hozirda joylarda ushbu tadbirlar davom ettirilmoqda.

Hojiakbar RUSTAMOV,
Xorazm viloyati FVB OAV va JTbHQG boshlig'i, oddiy askar.
Mirzozon KURBANOV,
bo'lim bosh inspektori, kapitan.

Бухоро вилояти ФВБ томонидан "Ёш алоқачи" оромгоҳида масъуллар ва болалар ўртасида сувда чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга оид тарғибот тadbirlari амалга оширилди.

ОРОМГОҲЛАРДА

Тadbirlar сўз юритилди. Қолаверса, тadbir давомида ёнғин-қутқарув автоэкипажларининг асбоб-анжомлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада ўт ўчирувчиларнинг вазифалари, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг хусусиятлари бўйича маълумотлар берилди.

Алишер УМЕДОВ,
Бухоро вилояти ФВБ ходими, капитан.

Kitob tumani FV bo'limi harbiy xizmatchilari va xizmatchilari tomonidan tuman hududida joylashgan savdo majmualarida tun-u kun profilaktik tadbirlar o'tkazilmoqda. Xususan, 2 ta oziq-ovqat dehqon bozori hamda Qalandartepa buyum bozorida va 4 ta yirik savdo kompleksida yong'in xavfsizligi qoidalari bo'yicha sotuvchi va xaridorlarga yo'riqnomalar berildi.

TADBIRLAR DAVOM ETADI

Yong'in-qutqaruv texnikalarining erkin harakatlanishi uchun to'siq bo'ladigan barcha jihazlar olib tashlanishi borasida tadbirkorlarga tushuntirildi. Qolaversa, issiq ob-havo sharoitida elektr jihazlaridan foydalanganda elektr simlarining yaroqliligiga alohida e'tibor qaratilishi lozimligi aytilди.

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.



QURIGAN O'T OFATI

Qurib qolgan o't-o'lanlar yong'in chiqish xavfini kuchaytiradi. Olovdan foydalanilayotganda yo'l qo'yilayotgan e'tiborsizlik, ayniqsa, o'chirilgan sigaret, nazoratsiz qoldirilgan bolalarning gugurt o'ynashi oqibatida atrofdagi binolarga o't ketish holatlari kuzatilmoqda.

Jumladan, 2023-yil 11-may kuni soat 15:30 da Toshkent shahri Yashnobod tumani "Jarqo'rg'on" MFY Farg'ona yo'li 7-tor ko'chasi 26-uy oldida 70 m², 26-may kuni soat 13:40 da "Tovkentepa" MFY Murabbiylar ko'chasida 500 m², 27-may kuni soat 13:40 da "Qo'yliqobod" MFY Tabiiy 4-tor ko'chasida 300 m² va yana boshqa ochiq maydonlarda qurigan o'tlardan yong'in chiqqan.

Hodisa joyiga FVBning yong'in-qutqaruv ekipajlari jalb qilinib, yong'inlar tezkorlik bilan bartaraf etilgan. Aholi turar joylari, mol-mulk-lari hamda mevali va manzarali daraxtlarga zarar yetishining oldi olingan.

SH.SADENOV, Yashnobod tumani FV bo'limi mutaxassisi.

SIG'IMLAR NAZORATI



Farg'ona viloyati FVB bino va inshootlarda yong'in xavfsizligini ta'minlash va tashkil etish bo'limi xodimlari hamda "FNQIZ" MChJ zavodi sanoat xavfsizligi, harbiylashtirilgan gazdan qutqarish, favqulodda vaziyatlar bo'limlari mutaxassislari, sohaga taaluqli muhandis-texniklar tomonidan navbatdagi nazorat tadbiri o'tkazildi.

O'rganishlar davomida tayyor neft mahsulotlari saqlanadigan sig'imlarning holati, ularni issiqdan muhofazalash, sovitish tizimlarining ishlash jarayonlari, xavfsizlik qoidalariga amal qilish

tartibi, mehnat va ijro intizomiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Ahrorjon SATTOROV,
Farg'ona viloyati FVB "FNQIZ" MChJ BIXTTEB 25-YQQ boshlig'i, mayor.

YONG'IN XAVFSIZLIGI TALABLARI

Farg'ona viloyati FVB tomonidan viloyat hududida faoliyat ko'rsatayotgan yong'in xavfi yuqori bo'lgan bozorlar, savdo majmualari, boshqa ijtimoiy-madaniy, sanoat va muhandislik-kommunikatsiya obyektlari, shuningdek, aholi gavjum bo'ladigan manzillarning ro'yxati shakllantirilib, yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya etilish holati o'rganilmoqda.

o'rnatilishi ko'rikdan o'tkazildi.

Aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish bo'yicha joyida tegishli choralar ko'rildi.

Aholidin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTbHQG boshlig'i, kapitan.

Mazkur tadbirlar davomida bozor hududidagi ichki yo'laklarni tadbirkorlar tomonidan sun'iy ravishda to'silganligi, savdo do'konlarida tartibsiz tarzda ulangan elektr simlarining me'yor talablariga ko'ra,



ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!

Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ томонидан жойлардаги фаоллар ҳамкорлигида хонадонлар ҳамда ҳудуддаги кўп қаватли уйлар, маъмурий биноларда ёнғинга қарши кўрилган чоралар, электр ва газдан фойдаланиш ҳолатлари ўрганилиб, камчиликлар ўз ўрнида бартараф этилаётди.

Хусусан, ёз фаслини талафотларсиз ўтишини таъминлаш мақсадида чўмилиш ҳавзаларида, чўмилиш таққиланган жойларга ҳар бир маҳалла ва овул фуқаролар йиғинида навбатчиликлар ташкил қилиниб, профилактик тadbirlar ўтказилмоқда. Мана шу каби саъй-ҳаркатлар натижасида Нукус шаҳридан ўтувчи каналнинг

фойдаланиш ҳолати юзасидан мунтазам равишда тadbirlar ўтказилди. Электр тармоғига ўзбошимчалик билан совутгични улаб олган 12 нафар тadbirkorга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди. 3 та ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбарлари бироз аввал огоҳлантирилганига қарамай, амалдаги тартибқоидаларга риоя қилмагани учун уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилди.

Султанбек ТИЛУБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ бўлинма инспектори, катта лейтенант.

JOYLARDA TARG'IBOT

Chilonzor tumani hududida qurilish ishlari olib borilayotgan obyektlarda 2022-yilda payvandlash ishlarini bajarish davomida bitta yong'in yuzaga kelgan.

Qurilish ishlari amalga oshirilayotgan bino ichida yonuvchi mahsulotlarning yo'qligiga e'tibor qaratish darkor. Chunki bino ichida yonuvchi materiallarni saqlash yong'in xavfini yuzaga keltiradi.

Shundan kelib chiqqan holda, hozirda Chilonzor tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan joylarda targ'ibot tadbirlari amalga oshirilmoqda.

J.ISTAMOV,
Chilonzor tumani FV
bo'limi xodimi.

ЯШИНДАН ХИМОЯЛАНИНГ!

Яшин уришидан химояланиш учун чақмоқ ва момақалди роқ пайтида ташқарига чиқмаслик, тезроқ ёпиқ бино ичига кириш керак. Автомобилда ҳаракатланаётган киши тўхтаб, чақмоқ тугагунча машина ичида бўлиши тавсия этилади. Тоғда, далада якка турган дарахт тагига беркинмаслик, очиқ ва имкон қадар пастқамда бўлиш, металл буюмлардан узоқроқ туриш, куруқ жойда бошни тиззалар орасига олиб, бош устини қўл билан беркитиб ўтириш лозим. Чақмоқлар ер юзига тушганда кўпроқ баланд дарахтларга уриши мумкин.

Кучли чақмоқ урган одамнинг танасида куйган чуқурчалар ёки кўкимтир-қора доғлар пайдо бўлади. Электр токи инсон танасида сақланиб қолмайди, шу сабаб чақмоқ урган одамга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилса, яшаб қолишининг иложи бор. Бунда биринчи навбатда унинг нафас олиш жараёни тикланиши шарт, у нафас олмаётган бўлса, сунъий нафас бериш, ўпка реанимацияси ўтказилади. Юрак уриши текширилиб, урмаётган бўлса, давомли юрак массажи олиб бориш ва тез тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак.

Рустам
ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган ФВБ ОАВ ва
ЖТБХҚГ етакчи
мутахассиси.

Жиззах шаҳар ҳудудида жойлашган “Жавоҳир+Темур” МЧЖ очиқ сув ҳавзасида “Чўмилиш ҳавзалари ва дам олиш масканларида хавфсизликни таъминлаш чоралари” мавзусида семинар ўтказилди.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Тадбирнинг назарий босқичида иштирокчиларга вилоят ҳудудидаги рухсат этилган сув ҳавзаларидагина



чўмилиш ҳамда чўмилиш жараёнида спиртли ичимлик ичмаслик, белгиланган қоидаларга қатъий амал қилиш, бахтсиз ҳодисалардан сақланиш борасида маслаҳат ва тавсиялар берилди. Амалий босқичда эса сувда чўкаётган одамни қутқариш тартиби, бирламчи биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ҳаракатлар бажарилди.

Шунингдек, сувда қутқарув гуруҳи асбоб-анжомларининг кўргазмаси намойиш этилиб, эслатма материаллар тарқатилди.

Ҳ.КАРИМОВ, Б.ҚОБИЛОВ,
Жиззах вилояти ФВБ
ҲФХҲМ ўқитувчилари.

ҚЎРҚУВНИ ЕНГИНГ!

Ҳеч қачон қўрқувни ҳис қилмасликнинг имкони йўқ. Маълумотларга қараганда, қўрқув ва хавотирнинг йўқлиги ҳам психик бузилиш белгиси ҳисобланар экан. Баъзи бир одамларда маълум бир вазият ва ҳолатга нисбатан қўрқувлар ва фобиялар учраб туради. Айниқса, фобияга дучор бўлган инсон қўрқувнинг асоссиз эканини тушуниб етади, лекин қўрқувдан буткул халос бўлмайди. Шунинг учун ҳам фобиялар етарлича кенг тарқалган.

Фобия – бирор вазият ва воқеа-ҳодисага нисбатан вужудга келадиган бирмунча турғун ҳамда асоссиз қўрқувдир. Шу боис, фобия, стресс, депрессия каби замонавий касалликлар қаторига қўшилган. Оддий қўрқувдан фарқли ўлароқ, у бирмунча узоқ давом этади. Бироқ, ҳеч бир мантиқий асосга эга эмас. Масалан, бир инсон атрофни томоша қилиш мақсадида баландликка чиқади ва пастга қараган заҳоти қаттиқ қўрқиб кетади, боши айланади, у гўё пастга қараб, қулаб тушаётгандек хавфсирайди.

Манбаларда қайд этилишича, ер юзи аҳолисининг маълум бир қисми турли хил фобиялардан азият чекар эмиш. Бу ҳолат инсонда кутилмаганда ва анланмаган сабабга кўра пайдо бўлади. Фобиялар фантазияси яхши ривожланган, хавотирланувчан характерга эга бўлган, ўзига ишонмайдиган, ўзига паст баҳо берадиган, мулоқатга киришиш малакалари яхши шаклланмаган инсонларда кўпроқ кузатилади экан. Бу жараёнга ирсият ҳамда тарбия ҳам катта таъсир кўрсатади. Фобия эркакларга қараганда аёлларда кўпроқ учрайди. Бу ҳолат аёлларнинг ҳиссиётга берилувчанликлари

билан боғлиқдир. Психологларнинг айтишича, фобия наслдан-наслга ўтади. Ота-онада бирор фобия мавжуд бўлган бўлса, фарзандга ҳам шу ҳолатга нисбатан мойиллик наслий йўл билан узатилади, аммо бу мойиллик айнан шу фобия турига нисбатан бўлмаслиги мумкин.

Қолаверса, инсонлар ҳаёти давомида қарама-қарши жинс вакиллари билан, бирор иллатга берилиб қолишдан, алкогол, наркотик маҳсулотларига, дори воситаларига тобелик юзага келишдан, омадсизликнинг такрорланишидан, кимнингдир жонига қасд қилишдан, ўлдирилишдан, ёпиқ жойлардан, бинолардан, ўзини ўлдиришдан, бойлигини йўқотишдан, ақлдан озишдан, ўзга сайёраликлар билан учрашувдан, турли ранглардан, руҳ ва арвоқлардан қўрқиш сингари фобияларга дуч келишади.

Олимларнинг фикрига кўра, соціофобиянинг вужудга келиши инсонларнинг ўз-ўзига берадиган баҳосининг пастлиги ҳамда ўзига ишончнинг йўқлиги билан боғлиқдир. Демак, соціофобия ҳозирги кунда кенг тарқалган, ўрганилиши лозим бўлган ва ҳал қилиш йўллари излашни тақозо

қилувчи муаммолардан биридир. Айнан мазкур жараённинг келиб чиқишига таъсир этувчи стимуллари ўрганиш ва бунга кенг жамоатчиликка татбиқ этиш жуда муҳимдир.

Ижтимоий фобиянинг чуқур илдиз отишига йўл қўймаслик лозим. Негаки, у одамлар ҳаётига жиддий таъсир ўтказади. Чунки, бу каби фобиялари бор инсонлар бошқа бир шахслар билан учрашув ёки суҳбат олдидан кучли хавотирга тушади. Улар бажараётган ишларини реал ҳаётдан паст деб баҳолайдилар. Йўқ нарса учун ҳам ўзларини айбдор ҳис қилиб юришади. Шу кетишда “хасталик”нинг шаклланишига замин яратиб берадилар. Бундай қўрқув бор одамлар кўпинча ўз хавотирини сақлашга уриниши ҳам атрофдагиларни уларга нисбатан нотабиий муомалада бўлишига олиб келади. Шу тариқа тушунмовчиликлар сабабли, психологик касалликлар чуқурлашиб бораверади. Шундай экан, ўзгача даво чораларини қўллаш лозим. Масалан, қўрқув уйғотиш эҳтимоли бор вазиятдан қўрқан одамни ўз қўрқув билан рўбару қилиш, юзма-юз келтириб, уни енгиб ўтишга, бундай ҳиснинг аслида асоссиз эканини англашига имкон яратиш керак. Бу орқали одамни беҳуда ваҳимага тушиш ўрнига аксинча, қўрқув уйғотадиган ҳолатга эътиборли бўлишга ўргатилади.

Анвар ҚОБИЛОВ
тайёрлади.

ТОҒ ТАЙЁРГАРЛИГИ ОЛДИДАН

Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси қутқарувчилари билан тоғ-тайёргарлиги машғулоти олдидан тоғларга кўтарилиш, тоғ чўққиларида ҳаракатланишда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, тоғда қутқарув асбоб-анжомларидан унумли ва хавфсиз фойдаланиш ҳамда бошқа ҳаракатларга асосий эътибор қаратилди.

Тадбирлар давомида қутқарувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси, назарий ва амалий билимлари яна бир қарра мустақамланиб, уларга зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

У.ТОЖИЕВ,
«Қамчиқ» МҚЁҚБ «Чодак»
АҚГ командири, кичик сержант.



ҒАЛЛА – РИЗҚ-РЎЗИМИЗ!

Бухоро вилояти ФВБ томонидан ўрим-йиғим мавсуми давомида фермер хўжалиқларининг ерларида экилган ғалла майдонлари, ўрим-йиғимга жалб этиладиган комбайнларнинг масъул мутахассислари иштирокида уларнинг техник ва ёнғинга қарши ҳолати мунтазам ўрганиляпти.



Ўрганишлар давомида ғалла майдонларидаги комбайн операторлари ва фермер хўжалиқи раҳбарлари билан ёнғинларнинг олдини олиш, ғаллани ўриб бўлгандан кейин далаларни ёқиб юбормаслик тушунтирилди.

Шу кунги Шофиркон тумани далалари ва ўримга жалб этилган комбайнларнинг техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати ҳам ўрганиб чиқилди. Комбайнчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича қўшимча тавсия ва кўникмалар берилди.

Мизроб АҲМЕДОВ,
Жондор тумани ФВ бўлими
бошлиғи, подполковник.

МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛОВЧИ КОМЕДИЯ

Ҳеч биримизга сир эмаски, ижодкор бўлишни дилига туккан ҳар инсон Саид Аҳмад асарларини ўқиб катта бўлган, десак муболаға бўлмайди. У кишининг асарлари ўзининг теранлиги, бадиий юксаклиги билан миллий адабиётимизда ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади.



Жумладан, улар ичида "Келинлар кўзғолони" комедияси алоҳида ажралиб туради.

– "Келинлар кўзғолони" комедияси бутун дунё десам лоф бўлар, ярим дунёни айланиб чиқди. У шунчалик шухрат топдики, комедия ҳақида ҳатто латифалар пайдо бўлди. "Келинлар кўзғолони"ни бир неча минг кишилик томошабинлар орасида намойиш қилинганида бир ёш, ҳомиладор

қозоқ келинчак кулавериб, ўтирган жойида туғиб қўйган эмиш. Бировлар бу гапни тўқилган дейишади. Лекин мен бу латифага ишонаман, чунки яқинда ёзувчимиз юбилеи муносабати билан сафарда бўлганимда "Келинлар кўзғолони"ни эмас, Саид Аҳмад аканинг ўзини кўрибоқ ётиб кулаверган одамларни жуда кўп кўрдим, – деб ёзади Одил Ёқубов "Халқнинг ардоқли адиби" методик-библиографик қўланмасида.

Асардаги воқеалар қаҳрамонлари ҳаётда яшаёт-



ган одамлар, ҳаёт ҳақиқати асарнинг бадиий талқинига маҳорат билан сингдириб юборилган. Ижодкор бу муваффақиятга ўзбек оиласи мисолида, ўша давр манза-

ралари тасвири, қаҳрамонларнинг характерларини тўлақонли ва катта маҳорат билан ўта ишончли акс эттириш билан эришган.

Озод Шарафиддиновнинг ёзишича, Саид Аҳмад юмори ғоят ҳаётбахш, у адибнинг донишмандлигидан туғилади. Шу маънода мен Саид Аҳмадни ҳаёт сабоқларидан дарс бераётган устозга қиёс қиламан. Гўё, у ўз юмори билан одамларга: "Эй, биродарлар, мунча юракларинг тор бўлмаса, мунча серзарда бўлмасаларинг, ахир, сизларни хунуб қилаётган, кўнглингизга адоват солаётган нарсаларга бошқа жиҳатдан қараб кўринглар – улар бу ўтар дунёда ғоят арзимас нарсалар-ку! Фейлингизни кенгроқ қилинг, ҳаёт мушкулотини кулги билан енгинг, донишмандроқ бўлинг!" деяётгандай бўлади.

Оила инсоннинг дунёвий саодатини таъминловчи кўрғондир. Лекин, кейинги пайтларда оилаларда фирибгарликлар, турли жи-

ноятлар, қотилликлар, эр-хотин, қайнона-келин низолари кўпаймоқда. Бу каби кўнглисизликларнинг олдини олишда хонадондаги нуронийларнинг ҳиссаси катта бўлиши лозим. Ҳар бир оиладаги одамлар орасида кечира олиш ҳислати юқори бўлса, ўтган камчилик ва хатоларни кечира билиш фазилатидан ўз ўрнида фойдаланилса, салбий ҳолатларнинг, низолар, эр-хотинлар ўртасидаги ажралишларнинг олди олинади, назаримизда. Бу эса оилаларнинг ўз Фармонбисини бўлиши кераклигидан ҳам далолат беради.

Муҳими, шунча йиллар ўтганига қарамасдан "Келинлар кўзғолони" халқимизнинг сеvimли асари бўлиб келмоқда, телевидение орқали тез-тез намойиш қилинмоқда. Зеро, чинакам санъат асарларининг қадри ва умри боқийлиги янада ортиб бораверади.

Анвар ҚОБИЛОВ,
"Vaziyat" мухбири.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги фармойишида мустабид тузум даврида қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти, ўша пайтларда мамлакатимизда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, тарихий воқеалар ҳақида бадиий ва публицистик асарлар яратиш вазифаси қўйилган эди. Таниқли шоир ва таржимон, истеъфодаги полковник Зикрилла Неъматнинг яқинда "Фирдавс-Шоҳ" нашриётида чоп этилган "Қатағон ўпқони" номли китоби мазкур фармойиш талабларидан келиб чиқиб ёзилгандек таассурот қодиради.

ҚАТАҒОН ЎПҚОНИ

Мазкур китобдан XX аср ўзбек маданиятининг машҳур вакиллари билан бири Абдурауф Фитратнинг зиддиятларга бой ҳаёти ҳақида "Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб" номли ҳамда ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мустабид тузум томонидан қатағон қилинган ўзбек талабаларининг аччиқ қисмати ҳақидаги "Қатағон ўпқони" номли пьесалари ўрин олган.

Истеъдодли шоир ва драматург Зикрилла Неъматнинг мазкур "Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб" номли икки парда, ўн икки кўриниш, муқаддима ва хотимадан иборат тарихий пьесаси

Фитрат ҳаётининг мураккаб ва зиддиятли даври ҳамда унинг қатағон қилинишига бағишланган... Тарихий шахслар ҳақида драматик асар ёзишнинг ўзига хос масъулияти ва талаблари мавжуд. Пьеса муаллифи бу жиҳатдан олганда ўз вазифасини сидқидилдан адо этган. Асарни ўқиган ёки кўрган китобхон ва томошабин кўз ўнгидан Абдурауф Фитратнинг тўлақонли қиёфаси гавдаланади – дейди китобга масъул муҳаррир, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабов.

"Қатағон ўпқони" пьесасининг ҳам қамрови кенг. Ўқувчини, томошабини



мамлакатимизнинг, хорижнинг турли шаҳарларига етаклайди. Драматик воқеаларга бой, диалоглар пишиқ-пукта. Ўқувчини ҳам, томошабини ҳам ҳаяжонда, қизиқишда ушлаб туради. Олий орзулар оғушида Германияга ўқишга кетган, оқибатда, шўролар ҳукуматининг маломатида, тухматига қолган, бироқ ўз эзгу ниятларидан қайтмаган, Ватан равнақини ҳар недан устун қўйган қаҳрамонлар билан ғойибона дийдорлашамиз.

Янгилик сифатида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шу кунларда ижодкорнинг "Абдурауф Фитрат

ёхуд зулматда зиё излаб" номли пьесаси Бухоро вилояти мусиқали ва драма театри жамоаси (режиссёр Лазизжон Наврўзов) томонидан сахналаштирилмоқда. Абдурауф Фитрат ҳақидаги сахна асарини сахналаштиришга илк бор Фитратнинг ўз она юрти бўлмиш Бухорои шарифда қўл урилгани ҳам таҳсинга сазовор ишдир. Янги спектакль премераси жорий йил 31 август – "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" арафасида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

**Фаҳриддин
РАҲИМОВ.**



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУҲОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
сахифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун – 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6630 нусха